

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ
ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2021 ЙИЛ
ЯНВАРЬ–МАРТ**

СЎЗ БОШИ

Фарғона вилоятининг статистик ахборотномаси–вилоятнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи вилоят статистика бошқармасининг чорақлик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2021 йил январь–март ойлари яқунлари бўйича Фарғона вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2017 йилнинг I чорагидан бошлаб, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ–2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларини қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турларини ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ–кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯХМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 12 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий иқтисодий кўрсаткичларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотларнинг таснифи, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Докладда саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, чакана савдо айланмаси, молиявий кўрсаткичлар ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Дастлабки ҳисобларга асосан келгусида аниқлик киритилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар келтирилмоқда.

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	–	ялпи худудий маҳсулот	л.	–	литр
%.	–	фоиз	0,0	–	катта бўлмаган миқдор
млрд.	–	миллиард	м.	–	марта
млн.	–	миллион	–	–	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	–	миллион АҚШ доллари	га.	–	гектар
кв.	–	квадрат	тн.	–	тонна
км.	–	километр	1), 2), 3).....	–	изоҳнинг мавжудлиги
м.	–	метр			

МУНДАРИЖА

Номи	бет.
АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР	7
I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ	8–13
Ялпи ҳудудий маҳсулот	8-9
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши	10-13
II. САНОАТ	14–25
Саноат тармоғининг асосий кўрсаткичлари	14-16
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш	17-18
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби	19
Ҳудудларни ишлаб чиқариш кўрсаткичлари	20
Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнес ҳиссаси	21-22
Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари.	23-25
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ	26–39
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларининг ҳажмлари	26-30
Дехқончилик	27–34
Чорвачилик	34–39
IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ	40–53
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	41–46
Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар	47–48
Ижтимоий соҳа объектларини қуриш	49–50
Қурилиш фаолияти ва нуманавий уй-жойлар	50-53
V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ	54–62
Фойда	54–55
Зарар	56–57
Визирлик ва идораларнинг дебитор ва кредитор қарздорлиги	58-60
Алоҳида хўжалик бошқарув органларининг дебитор ва кредитор қарздорлиги	61-62

Номи	бет.
VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК	63–69
Кичик бизнес ва хусусий субъектлари	63–64
Кичик бизнес субъектларининг иқтисодий кўрсаткичлари	66-69
VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	70–83
Корхоналар ва ташкилотлар сони	70–79
Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар	80–82
Оилавий корхоналар	82-83
VIII. ХИЗМАТЛАР	84–91
Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш	84–88
Худудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш	89-91
IX. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА	92–97
Юк ташиш	92–93
Йўловчи ташиш	94–97
X. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ	98–102
Чакана савдо товар айланмаси кўрсаткичлари	98
Чакана савдо товар айланмаси таркиби	99
Худудларнинг чакана савдо айланмаси улуши ва аҳоли жон бошига тўғри келиши	100-102
XI. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ	103–109
Ташқи савдо айланмаси кўрсаткичлари	103–105
Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича тақсимланиши	105
Товар айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар билан ташқи савдо айланмаси	106–107
Экспорт ва импорт таркиби	108–110
XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ	111–120
Вилоят ҳудуди ва зичлиги	111-112
Доимий аҳоли сони тўғрисидаги кўрсаткичлар	113-114
Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари	115
Туғилиш ва ўлим	116
Никоҳлар ва ажралишлар	117
Миграция	118
Ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақи	119–121

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар
(2021 йил январь–март)

	млрд.сўм	2020 йил январь–март ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	7 303,8	101,5
Саноат маҳсулоти ¹⁾	5 090,7	95,2
Истеъмол товарлари	2 109,5	104,8
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)лари	2 463,6	106,3
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1 999,6	108,2
Қурилиш ишлари	1 289,8	114,1
Юк айланмаси (млн. тн–км)	632,6	105,3
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи–км)	3 150,2	100,7
Чакана савдо товар айланмаси	3 759,4	102,0
Хизматлар, жами	3 690,2	104,9
Ташқи савдо айланмаси, (млн. АҚШ. долл) ²⁾	322,0	115,1
Экспорт	124,7	118,1
Импорт	197,3	113,3
Сальдо (+,–)	-72,6	x

1) Физик ҳажм индекси

2) Давлат божхона қўмитасининг аниқлаштирилган маълумотларини ҳисобга олган ҳолда

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йил январь–март ойларида Фарғона вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 7 303,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 2020 йилнинг тегишли даврига нисбатан 1,5 % га ўсди.

2021 йилнинг январь–март ойлари якуни бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 1 908,5 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 0,3 % га камайди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Фарғона вилоятининг кўшган хиссаси 5,7% ни ташкил этди.


Ялпи ҳудудий маҳсулот
(2021 йил январь–март ҳолатига, фоиз таққослама нархда)

	млрд.сўм		2020 йил нисбатан, фоиз ҳисобида
	2020 йил	2021 йил январь–март	
Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	6 527,2	7 303,8	101,5
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	6 292,4	7 020,1	101,5
Маҳсулотларга соф солиқлар	234,8	283,7	102,2
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	6 292,4	7 020,1	101,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 168,5	1 415,4	106,2
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	2 139,2	2 268,5	99,3
саноат	1 673,9	1 698,3	95,2
қурилиш	465,3	570,2	114,1
Хизматлар	2 984,7	3 336,2	101,2
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	666,9	750,5	100,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	493,4	570,9	104,2
бошқа хизматлари	1 824,4	2 014,8	100,7

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати–106,2%, (ЯҲМ таркибидаги улуши–20,2%), саноат–103,2% (32,3 %), қурилиш–100,5% (8,1%), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар–103,0% (10,7 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа–100,2 % (8,1 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар–103,5 % (28,7 %) ни ташкил этди.

2021 йилнинг январь-март ойларида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




иқтисодий фаолият турлари

Ҳудуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚК) ҳажми умумий ЯҲМнинг 96,1% ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 3,9% ини ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 1,6% пунктга ўсди ва ҳисобот йилида 20,2 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 1,7 % пунктга камайди ва 32,3 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2021 йилнинг январь-март ойларида 47,5 % ни ташкил этди ва 2020 йил (47,4 %) билан таққосланганда 0,1% пунктга кўпайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(январь–март ҳолатига, жамига нисбатан фоизда)




Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯХМ таркибидаги улуши 10,7 % ни (2020 й. – 10,6 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 8,1 % ни (7,8 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 28,7% ни (29,0%) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби

(январь–март, жамига нисбатан, фоизда)

2020 й.

2021 й.




- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Жорий йилнинг январь–март ойлари давомида дастлабки маълумотларга кўра ялпи ҳудудий маҳсулот аҳоли жон бошига 1 908,5 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг (1 736,4 минг сўм) мос даврига нисбатан 0,3 фоизга камайди. Шу билан бирга вилоятда йирик корхоналар иқтисодий фаолияти жадаллаши оқибатида ЯҲМда кичик бизнес улуши 61,2 фоизни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улушининг пасайиши динамикаси январ-март ҳолатига, %


2021 йилнинг январ-мартида кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши 61,2 фоизни ташкил қилди (2020- йилнинг январ мартда 59,5 %)



Кичик тадбиркорликнинг ЯХМ таркибида ўсиши йирик корхоналар улушининг камайиши билан тушунтирилади.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Фарғона вилоятининг кўшган ҳиссаси 5,7 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,1 пунктга камайган.

ЯИМ да Фарғона вилоятининг улуши, *фоизда*



Ялпи ички (худудий) маҳсулот
январь–март ҳолатига


	<i>ЯҲМ млрд. сўм</i>			<i>Аҳоли жон бошига, минг сўм</i>		
	<i>2020 й.</i>	<i>2021 й. январь– март</i>	<i>%</i>	<i>2020 й.</i>	<i>2021 й. январь– март</i>	<i>%</i>
Ўзбекистон Республикаси	112 503,3	128 556,8	103,0	3 311,8	3 712,6	101,0
Қорақалпоғистон Республикаси	4 043,8	4 829,0	104,5	2 127,1	2 507,8	103,2
Андижон	6 188,5	6 418,0	94,6	1 974,7	2 009,2	92,8
Бухоро	5 151,4	5 740,9	100,0	2 673,8	2 944,8	98,8
Жиззах	2 781,2	3 291,2	104,2	2 007,7	2 328,4	102,1
Қашқадарё	5 770,5	7 000,9	110,0	1 755,5	2 094,8	108,2
Навоий	9 265,5	11 750,4	107,3	9 275,7	11 573,4	105,6
Наманган	4 428,9	5 072,3	102,3	1 572,6	1 765,4	100,3
Самарқанд	7 083,7	8 283,6	104,3	1 823,4	2 094,4	102,5
Сурхондарё	3 890,2	4 390,9	104,1	1 476,4	1 634,2	102,1
Сирдарё	2 199,1	2 554,6	107,4	2 593,2	2 961,9	105,6
Тошкент в.	12 535,0	14 492,1	104,5	4 254,0	4 861,5	103,3
Фарғона	6 527,2	7 303,8	101,5	1 736,4	1 908,5	99,7
Хоразм	3 608,1	4 329,7	105,8	1 930,2	2 283,5	104,3
Тошкент ш.	19 613,3	23 704,9	109,3	7 605,3	8 762,4	104,1

II. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2021 йил январь-март ойларида вилоят корхоналари томонидан 5 090,7 млрд. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан sanoat ишлаб чиқариш индекси 95,2 % ни ташкил этди.

Жами sanoat ишлаб чиқариш физик ҳажми индексининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) sanoатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 94,5 % га, тоғ-кон sanoати ва очиқ конларни ишлашнинг – 60,6 % га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 106,3 % га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 70,3 % ни ташкил этди.

**Январь–март ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича
sanoat ишлаб чиқариш таркиби**
(жами sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан %)



Тоғ-кон sanoати ва очиқ конларни ишлаш

Тоғ-кон sanoати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 2021 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 22,8 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотлари ҳажмининг 0,4 % ни ташкил этди.


Тоғ-кон sanoати билан боғлиқ бошқа фаолият тури ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан физик ҳажми индекси – 60,6 % ни ташкил қилди.

Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати)

2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 4 729,9 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 92,9 % ни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоғининг ҳажми 11,0 млрд. сўмни, (ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 0,1%), ўрта-юқори технологияли 517,3 млрд. сўмни, (14,7 %), ўрта-қуйи технологияли 1 287,6 млрд. сўмни (32,1 %), ва қуйи технологияли 2 914,1 млрд. сўмни, (53,1 %) ташкил этди.

**Январь–март ойларида ишлаб чиқаришнинг
технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, % да**



- Юқори технологияли
- Ўрта-юқори технологияли
- Ўрта-қуйи технологияли
- Қуйи технологияли

**Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан
натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2021 йил январь–март ойлари учун)**

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2020 йил январь- март</i>	<i>2019 йил январь-март ҳолатига нисбатан, % да</i>
Автомобил бензини	минг тонна	52,8	64,1
Дизел ёқилғиси	минг тонна	71,4	76,2
Узум виноси	минг литр	284,0	52,5
Нефт битуми	минг тонна	10,3	3,8м
Суперфосфат	минг тонна P2O5	5,4	4,4м
Пахта чигити	тонна	9 366,0	33,1
Шиша идишлар	минг дона	21 416,0	152,9
Гипс	тонна	17 044,0	151,0

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 304,7 млрд.сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 6,0 % ни) ташкил этди.

2021 йилнинг январь-март ойларида саноатнинг мазкур тармоғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажми индекси 106,3 % ни ташкил этди.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 33,2 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,7 % ни) ташкил этди.

2020 йилнинг январь-март ойларида саноатнинг мазкур тармоғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси 70,3 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат
маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2021 йил январь–март ойлари учун)**


	<i>млрд.сўм</i>	<i>жамига нисбатан фоизда</i>
Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми	5 090,7	100,0
Тоғ–кон саноати ва очик конларни ишлаш	22,8	0,4
<i>улардан:</i>		
Тоғ-кон саноатининг бошқа турлари	8,7	0,2
Қайта ишлаш саноати	4 729,9	92,9
<i>ундан:</i>		
озик–овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	864,2	17,0
тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш	1 879,1	36,9
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари	62,3	1,2
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	1,1	0,02
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	585,6	11,5
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	395,0	7,8
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	4,1	0,1
бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	541,4	10,6
металлургия саноати	18,9	0,4

	<i>млрд.сўм</i>	<i>жамига нисбатан фоизда</i>
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	73,5	1,4
Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш	6,8	0,1
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	20,6	0,4
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	7,3	0,1
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	66,1	1,3
Бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш	28,4	0,6
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	50,0	1,0
Мебел ишлаб чиқариш	24,1	0,5
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	1,2	0,02
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	304,7	6,0
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	33,2	0,7
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	2 109,5	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
озик-овқат товарлари	799,4	36,9
ноозик-овқат товарлари	1 330,1	63,1


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида истеъмол товарлар ишлаб чиқариш ҳажми 2 109,5 млрд. сўмни ташкил этди. 2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 4,8% га ўсиши таъминлади, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 41,4% ни ташкил этди.


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби
(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, фоизда)



Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % да
(январь–март ойлари учун)




Худудларнинг вилоят жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши
(2021 йил январь–март ойлари учун)




Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг хиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми мос равишда ошишига олиб келди, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 38,0 % ташкил этмоқда.




**Худудлар бўйича йирик корхоналар ва кичик бизнеснинг
саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши.
(2021 йил январь–март ойлари, фоиз ҳисобида)**



Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Фарғона шаҳрида (4 476,1 минг сўм), Қувасой шаҳрида (2 750,7 минг сўм), Қўқон шаҳрида (3 667,3 минг сўм), Тошлоқ тумани (3 393,0 минг сўмни) да вилоят даражаси кўрсаткичидан юқорилигини кўрсатмоқда.

Худудлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда
(2020 йил январь–март ойлари учун)

Саноат маҳсулотлари



Истеъмол товарлари




Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари.

Бугунги кунда вилоятда 9 351 та саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 1 450 таси Қўқон шаҳри, 1034 таси Марғилон шаҳри, 1084 таси Фарғона шаҳри, 277 таси Қувасой шаҳри, 656 таси Учқўприк тумани, 542 таси Ўзбекистон тумани, 499 таси Данғара тумани, 514 таси Бувайда тумани, 415 таси Тошлоқ тумани, 415 таси Қува тумани, 350 таси Бағдод тумани, 370 таси Олтиариқ тумани, 267 таси Қўштепа тумани, 393 таси Риштон тумани, 265 таси Фарғона тумани, 212 таси Ёзёвон тумани, 198 таси Фурқат тумани, 215 таси Бешариқ тумани, 195 таси Сўх туманига тўғри келади.


Жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятда 627 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан 66 таси Қўқон шаҳри, 51 таси Фарғона шаҳри, 48 таси Учқўприк тумани, 45 таси Данғара тумани, 43 таси Марғилон шаҳри, 39 таси Риштон тумани, 37 таси Олтиариқ тумани, 37 таси Ўзбекистон тумани, 32 таси Қувасой шаҳри, 29 таси Бувайда тумани, 28 таси Фарғона тумани, 27 таси Бағдод тумани, 26 таси Тошлоқ тумани, 23 таси Қўштепа тумани, 23 таси Ёзёвон тумани, 22 таси Қува тумани, 21 таси Фурқат тумани, 17 таси Бешариқ тумани, 13 таси Сўх туманига тўғри келади.

Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган ҳамда йил бошида янги ташкил этилган корхоналар

(2021 йил январь–март ойлари учун, сони бирликда)



Худудлар бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг мулкчилик шакллари, фоизда
(2021 йил январь–март ойлари учун)



Ш. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат) ларининг умумий ҳажми 2 463,6 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 106,3 % ни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 2 385,8 млрд. сўмни (106,4 %), ўрмон хўжалиги – 61,9 млрд. сўмни (101,5 %), балиқ хўжалиги – 15,8 млрд. сўмни (100,9 %) ташкил қилди. Республика қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таркибида Фарғона вилоятининг улуши 8,2 % ни ташкил этди.



2 463,6

Фарғона вилоятининг қишлоқ,
ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот
(хизмат) ларининг ҳажми, млрд. сўм

01



2 385,8

Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик
ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар

02



61,9

Ўрмон хўжалиги

03



15,8


Балиқ хўжалиги

2021 йилнинг январь-март якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лар умумий ҳажмининг 96,8 % и деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар, 2,5 % и ўрмон хўжалиги, 0,6 % и балиқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади.

**Худудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ
хўжалиги маҳсулотлар ҳажми**
(2021 йил январь-март)

	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлар ҳажми		Аҳоли эгон бошига, (минг сўм)
	млрд. сўм	2019 йил январь-декабрь ойларига нисбатан, ўсиш суръати % да	
Вилоят жами	2 463,6	106,3	643,8
Фарғона ш	124,8	104,1	424,4
Кўкон ш	55,3	72,3	215,3
Қувасой ш	88,4	97,5	929,1
Марғилон ш	63,2	107,3	264,2
Кўштепа	140,8	119,4	726,4
Богдод	154,4	115,1	704,2
Бувайда	147,9	101,8	638,8
Бешариқ	163,6	105,7	708,0
Қува	165,9	104,3	634,2
Учкўприк	143,5	102,0	618,0
Риштон	141,0	104,3	688,7
Сўх	49,6	103,6	625,9
Тошлок	104,7	104,6	509,2
Ўзбекистон	162,7	103,8	671,8
Фарғона	235,7	126,6	1 087,9
Данғара	149,3	104,9	844,1
Фурқат	98,6	103,8	824,7
Ёзёвон	80,2	104,1	713,2


Шаҳар ва туманлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ҳажми (млрд.сўм)



2021 йилнинг январь-март ойларида, шаҳар ва туманлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг энг юқори ҳажми Фарғона тумани (235,7 млрд. сўм), Олтиарик тумани (194,0 млрд. сўм) ва Қува туманида (165,9 млрд.сўм) қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга ҳудудларга Сўх тумани (49,6 млрд. сўм), Қўқон (55,3 млрд. сўм) ва Марғилон шаҳарларини (63,2 млрд. сўм) келтириб ўтиш мумкин.

Вилоят кўрсаткичидан (106,3 %) юқори ўсиш суръатлари Фарғона (126,6 %), Қўштепа (119,4 %) ва Олтиарик (115,1 %) туманларида кузатилди. Қўқон шаҳар (72,3 %), Қувасой шаҳар (97,5 %), Бувайда (101,8 %), Учкўприк (102,0 %), Сўх (103,6 %), Ўзбекистон ва Фурқат туманлари (103,8 %), Ёзёвон (104,1 %), Риштон (104,3 %) туманларида эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги кузатилди.

**Худудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
маҳсулот (хизмат)ларининг ўсиш суръати**



Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 2 374,5 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 106,4 % ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 175,0 млрд. сўмни (103,0 %), чорвачилик маҳсулотлари 2 199,5 млрд. сўмни (106,7 %) ташкил қилди.


**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида деҳқончилик
ва чорвачилик маҳсулотларининг улуши**

7,4 %
Деҳқончилик
маҳсулотлари



92,6 %
Чорвачилик
маҳсулотлари

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши, % да




Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг улуши



Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 88,0 % и – деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 6,3 % и – фермер хўжаликларига, 5,7 % и – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

**Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳудудлар бўйича хўжалик
туйфалари кесимида тақсимланиши, % да**




2021 йилнинг январь-март ойлари якунига кўра ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги фермер хўжалиklarининг улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Фарғона шаҳарида (10,7%), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиklarининг энг юқори улуши Марғилон шаҳрида (100,0%), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуши Фарғона туманида (24,3%) қайд этилди.

Фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Сўх туманида (0,7%), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиklarининг энг кам улуши Фарғона туманида (71,2%), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуши Сўх туманида (0,1%) қайд этилди.


Деҳқончилик

2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 175,0 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 103,0 % ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 7,4 % ни ташкил қилди.

Сабзавотлар



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши




- Фермер хўжаликлари
- Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 7 423 тонна сабзавотлар (2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 100,7 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Сабзавот ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, сабзавот ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 96,1 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини кўрсатмоқда.



**Фарғона вилояти бўйича
сабзавотлар етиштириш
ҳажми, тонна**



**2021 йилнинг январь-март ойларида деҳқончилик
маҳсулотларини етиштириш**


	тонна	Ўсиш суръати, % да
Сабзавотлар жами	7 423	100,7
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	211	104,5
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	7 131	100,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	81	106,6

Чорвачилик


2021 йилнинг январь-март ойларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2 199,5 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 106,7 % ни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 92,6 % ни ташкил этди.

Гўшт (тирик вазнда)


Ҳажми, минг т.



Ўсиш суръати, % да




Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши



2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 39,2 минг тонна гўшт (2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 12,7 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Гўшт ишлаб чиқариш кўрсаткичлари хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил этилганда, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 81,2 % и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келганини қайд этиш зарур.




**Фарғона вилояти бўйича
гўшт (тирик вазнда)
етиштириш ҳажми, тонна**




Сут


Ҳажми, минг т.



Ўсиш суръати, % да



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши




- Фермер хўжаликлари
- Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 203,6 минг тонна сут (2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 3,9 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Сут ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, сут ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 96,6 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини кўрсатмоқда.




**Фарғона вилояти бўйича
ишлаб чиқарилган
сут ҳажми, тонна**




Тухум


Ҳажми, млн. дона



Ўсиш суръати, % да



Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар




2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 103,2 млн. дона тухум (2020 йилнинг январь-мартга нисбатан 3,7 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Тухум ишлаб чиқариш кўрсаткичлари хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, тухум ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 59,4 % и дехқон (шахсий ёрдамчи) хиссасига тўғри келди.




Фарғона вилояти бўйича
олинган тухум
ҳажми, минг дона



Балиқ




**Ишлаб чиқарилган
маҳсулотнинг хўжалик тоифалари
бўйича тақсимланиши**




- Фермер хўжаликлари
- Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 1130 тонна (2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 0,7 % га кўп) балиқ овланди. Овланган балиқлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, овланган балиқ умумий ҳажмидан 64,9 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келганини таъкидлаш лозим.



**Фарғона вилояти бўйича
овланган балиқ
ҳажми, тонна**



**2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган
чорвачилик маҳсулотлари**

	<i>Миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, % да</i>
Гўшт (тирик вазнда), минг тонна	39 170	112,7
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	1038	84,8
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	31 824	103,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	6 308	231,8
Сут, минг тонна	203 587	103,9
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	6 032	102,8
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	196 778	104,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	777	80,4
Тухум, млн. дона	103 214	103,7
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	22 621	104,9
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	61 258	103,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	19 335	103,1

Чорва моллари ва паррандалар бош сони

2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 1 023,0 минг тага етди.


2020 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони – 15,9 минг тага (1,6 %) кўпайди.

Йирик шохли қорамоллар


Сони, минг бош



Ўсиш суръати, % да



Бош сонинг
хўжалик тоифалари
бўйича тақсимланиши




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, жами йирик шохли қорамолларнинг 92,8 % и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.



**Фарғона вилояти бўйича
йирик шохли қорамолларнинг
умумий бош сони, минг бош**




2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, сигирларнинг умумий бош сони 380,6 минг тага етди.


2020 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, барча тоифадаги хўжаликларда сигирлар бош сони – 6,5 минг тага (1,7 %) кўпайди.

Сигирлар


Сони, минг бош



Ўсиш суръати, % да




Бош сонинг
хўжалик тоифалари
бўйича тақсимланиши




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, сигирларнинг бош сони тўғрисидаги маълумотлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, сигирларнинг 93,3 % и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.



**Фарғона вилояти
бўйича сигирларнинг
умумий бош сони,
минг бош**




2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, қўй ва эчкиларнинг умумий бош сони 873,5 минг тага етди.


2020 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, барча тоифадаги хўжаликларда қўй ва эчкилар бош сони – 14,8 минг тага (1,7 %) кўпайди.

Кўй ва эчкилар


Сони, минг бош



Ўсиш суръати, % да



Бош сонинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши




- Фермер хўжаликлари
- Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, кўй ва эчкилар бош сони тўғрисидаги маълумотлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, жами кўй ва эчкиларнинг 91,9 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.



**Фарғона вилояти бўйича
қўй ва эчкиларнинг
умумий бош сони,
минг бош**




2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига қўра, отларнинг умумий бош сони 9619 тага етди.


2020 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, барча тоифадаги хўжаликларда отлар бош сони – 509 тага (5,6 %) кўпайди.

Отлар


Сони, минг бош



Ўсиш суръати, % да



Бош сонинг
хўжалик тоифалари
бўйича тақсимланиши




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, отлар бош сони тўғрисидаги маълумотлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, отларнинг 79,2 % и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиқларига тўғри келиши кузатилди.



**Фарғона вилояти
бўйича отларнинг
умумий бош сони, бош**




2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, паррандаларнинг умумий бош сони 7939,2 минг тага етди.


2020 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, барча тоифадаги хўжаликларда паррандалар бош сони – 4,7 минг тага (0,1%) кўпайди.

Паррандалар


Сони, минг бош



Ўсиш суръати, % да



Бош сонинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар



2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, паррандалар бош сони тўғрисидаги маълумотлар хўжалик тоифалари бўйича таҳлил этилганда, паррандаларнинг 68,4 % и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.



**Фарғона вилояти бўйича
паррандаларнинг
умумий бош сони,
минг бош**



**2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига чорва моллари
ва паррандалар бош сони**

	<i>минг бош</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>
Йирик шоҳли қорамол	1 023,0	101,6
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	65,7	116,3
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	949,1	100,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	8,2	93,2
улардан сизирлар	380,6	101,7
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	23,1	132,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3 55,3	100,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,2	110,0
Қўй ва эчкилар	873,5	101,7
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	66,5	119,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	802,9	100,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	4,1	105,1
Отлар	9,6	105,6
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	1,9	135,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	7,6	100,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,1	106,3
Паррандалар	7 939,2	100,1
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	923,8	106,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	5 431,3	108,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1 584,1	76,7

IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2021 йил январь-март ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 1999,6 млрд. сўмни (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми 0,19 млрд. АҚШ долларини) ёки 2020 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,2 %ни ташкил қилди.


Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши (2021 йил январь-март)

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %да	яқунга нисбатан % ҳисобида
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1 999,6	108,2	100,0
<i>шу жумладан</i>			
Марказлашган инвестициялар:	102,9	81,5	5,1
бюджет маблағлари	32,2	33,2	1,6
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	20,3	257,1	1,0
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	22,9	106,6	1,1
Тикланиш ва тараққиёт фонди	27,5	-	1,4
Марказлашмаган инвестициялар	1 896,7	110,0	94,9
корхоналарнинг ўз маблағлари	287,2	70,6	14,4
аҳоли маблағлари	374,8	97,8	18,7
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	752,2	134,8	37,6
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	482,4	127,5	24,2

Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб қувватлашга, Фарғона вилояти инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари

(январь-март умумий ҳажмга нисбатан, %да)




Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари

(январь-март жами инвестициялар ҳажмидаги улуши, %да)



Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари

(январь-март жами инвестициялар ҳажмидаги улуши, %да)



Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан инвестициялар таркиби, % да

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да

1,0 %

Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш

257,1 %

1,6 %

Республика бюджети

33,2 %

1,4 %

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси

0,0 %

1,1 %

Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар

106,6 %

Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан инвестициялар таркиби, % да

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да

14,4 %

Корхона маблаги

70,6 %

18,7 %

Аҳоли маблағлари

97,8 %

21,8 %

Кафолатланмаган ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар

201,8 %

24,1 %

Тижорат банклари кредитлари ва бошқа

127,5 %

15,9 %

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар

92,6 %

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган жами инвестициялар 102,9 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 81,5 % ни ташкил этган (умумий ҳажмдаги улуши 5,1%), шундан бюджет маблағлари 32,2 млрд. сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 33,2 % ни ташкил этиб, (умумий ҳажмдаги улуши 1,6%), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси 20,3 млрд. сўмни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 257,1 % ни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар 22,9 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106,6 % ни ташкил этганини таъкидлаш лозим.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган жами инвестициялар 1896,7 млрд. сўмни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 110,0 %ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 94,9 %) ташкил этди. Шундан жами инвестициялар ҳажмида энг кўп улуш тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига тўғри келиб, 317,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 92,6 %га пасайган (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 15,9 %), корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар 287,2 млрд. сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 70,6 %ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 14,4 %) ташкил этди, 374,8 млрд. сўм аҳоли маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 97,8 % ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 18,7 %) ташкил этди. Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 482,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 127,5 % ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 24,1 %) ташкил этди.

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг
молиялаштириш манбалари бўйича таркиби**

(2021 йил январь-март)

	Жами инвестициялар млрд. сўм	Шундан, молиялаштириш манбалари бўйича (млрд. сўм)				
		Республика бюджети	Корхоналар (махаллий бюджет)	Аҳоли маблағи	Банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	Чет эл инвестициялари ва кредитлари
Вилоят жами:	1 999,6	32,2	287,2	374,8	482,4	775,2
Фарғона ш	454,5	11,1	116,6	108,5	57,4	128,7
Қўқон ш	225,6	12,4	21,1	19,1	49,8	123,1
Қувасой ш	140,1	0,0	17,6	10,2	52,6	59,7
Марғилон ш	119,8	0,001	14,1	27,4	37,8	39,6
Олтиариқ	65,0	0,001	5,5	23,6	23,0	12,8
Қўштепа	72,9	0,001	11,2	6,2	4,6	50,6
Бағдод	67,1	0,001	4,5	16,5	9,4	35,4
Бувайда	42,1	0,001	3,0	12,3	13,9	12,6
Бешариқ	56,0	0,004	4,0	11,5	4,9	35,1
Қува	70,2	0,001	2,8	23,1	22,2	21,6
Учқўприқ	153,2	0,03	16,8	30,0	37,2	68,9
Риштон	46,1	0,000	4,9	7,6	10,8	21,0
Сўх	22,9	2,2	2,7	3,5	10,3	0,7
Тошлоқ	129,7	0,2	3,3	9,5	20,5	96,1
Ўзбекистон	96,9	0,06	20,2	25,5	34,9	14,0
Фарғона т	97,9	1,0	24,1	2,0	23,2	45,8
Данғара	56,1	0,1	6,5	4,8	43,5	1,1
Фурқат	42,4	0,001	5,1	22,0	8,1	5,8
Ёзёвон	41,0	5,1	3,3	11,6	18,1	2,6

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг
технологик таркиби
(2021 январь-март, млрд.сўм)**

Шахар ва туманлар	Жами	Шу жумладан		
		Қурилиш монтаж ишлари	Машиналар, асбоб-ускунлар, инвентарлар	Бошқа харажатлар
Вилоят жами:	1 999,6	885,8	760,0	353,8
Фарғона ш	454,5	180,2	180,0	94,3
Қўқон ш	225,6	70,4	69,0	86,2
Қувасой ш	140,1	59,4	80,2	0,5
Марғилон ш	119,8	81,5	37,4	0,9
Олтиариқ	65,0	29,3	35,4	0,4
Қўштепа	72,9	20,8	51,6	0,5
Бағдод	67,1	33,0	11,1	23,0
Бувайда	42,1	22,8	18,6	0,6
Бешариқ	56,0	23,3	6,9	25,8
Қува	70,2	36,0	33,5	0,7
Учкўприк	153,2	43,7	91,9	17,6
Риштон	46,1	23,7	12,7	9,6
Сўх	22,9	14,4	3,7	4,8
Тошлоқ	129,7	81,8	15,8	32,1
Ўзбекистон	96,9	47,8	39,1	10,0
Фарғона т	97,9	35,8	19,9	42,3
Данғара	56,1	28,6	27,5	0,1
Фурқат	42,4	35,5	5,5	1,4
